



ҲАР ҚАЙСИ ДАВЛАТ, ҲАР ҚАЙСИ МИЛЛАТ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ, ЮКСАК МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг таклифига биноан 19-20 февраль кунлари ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20 февраль куни Анкара шаҳрида Туркиянинг етакчи компаниялари ва банклари раҳбарлари билан учрашди. Тадбирда Туркия савдо палаталари ва биржалари уюшмаси, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги, «Габзе» уюшган саноат зонаси, «Зираат» банки, «Зорлу холдинг», «Жошқуноз холдинг», «Экзачибаша», «Байкар», «Дунягоз», «Канимед саглик», «Бау глобал», «Хавелсан» каби қатор компаниялар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистонда қулай бизнес муҳитини яратиш бўйича қилинаётган ўзгаришлар ва хорижий инвесторларга яратиб берилётган шарт-шароит ва имкониятлар туркиялик ишбилармонларнинг юртимизга қизиқишини оширди. Жумладан, охириги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки баробардан зиёдга ортди. Қўшма ширкатлар сони салкам мингтага кўпайди. Транспортда ташиш қўламлиги жадал кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунда Туркия компаниялари мамлакатимизда қурилиш, энергетика, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, туризм, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларда фаолият

юртмоқда. Бунда қўшма сармоявий лойиҳалар ижроси назоратга олингани, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш рағбатлантирилаётгани муҳим омил бўлмоқда.

Масалан, 2019 йилда Туркиянинг «Calik Enerji» компанияси иштирокида Навоий иссиқлик электр станциясининг иккинчи буғ-газ қурилмаси ишга туширилди.

Мамлакатимизда 1993 йилдан буён ваколатхонаси фаолият кўрсатаётган Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги юртимиздаги тиббиёт ва таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган қатор лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилишида фаол қатнашиб келмоқда.

Ўзбекистонга қизиқиш билдираётган турк компаниялари тиббиёт, таълим, машинасозлик каби соҳаларга инвестиция киритиш, халқаро сифат стандартларини жорий этиш орқали юқори саноатлашган маҳсулотлар ишлаб чиқариб, учинчи давлатларга экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда бизнес муҳити ўзгаргани, бюрократияга барҳам берилгани, хорижий инвесторларга эшиклар очилгани, улгарга эркин ишлаши учун кафолат берилишини таъкидлади. Жумладан, Ўзбекистонда инвесторларга худди Туркиядаги каби барча шароитлар яратиб берилишини қайд этди.

– Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугун мамлакатимизга кирган компания албатта манфаат топади. Мен бунга кафолат бераман. Бунинг учун зарур ҳуқуқий, институционал шароитлар яратиб берилди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўтган йили инвестиция бўйича қўнун қабул қилинди. Бу қўнун билан эндиликда Ўзбекистонда инвесторларнинг барча ҳуқуқлари ҳимоя қилинади.

Президентимиз эндиликда туркиялик ишбилармонлар билан мунтазам мулоқот олиб борилиши, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида 5 нафар ходим фақат инвестиция бўйича ишлашни таъкидлаб, турк тадбиркорларини фаолликка чорлади.

Учрашувда келишувлар ва имзоланган битимларни кенг қўламда амалга ошириш, савдо,

инновация, энергетика, инфратузилмани ривожлантириш, транспорт, туризм, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати, бошқа тармоқларда қўшма лойиҳаларни фаол илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Туркиялик ишбилармонлар ўтган йили Ўзбекистонга боргани, иқтисодийнинг барча тармоқларида ўзгаришларга, одамларда «ислохотлар тафаккури»га гувоҳ бўлганини таъкидлади. Ўзбекистон бозорига кириш, ҳамкорликда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш ниятида эканини билдирди.

Шу билан бир қаторда «Ronesans Holding» билан «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик жамиятини модернизация қилиш ва ривожлантиришга 630 миллион евро, Олмалиқ кон-металлургия комбинатига 4,1 миллиард доллар тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш, шунингдек, шифоналар ва савдо марказларини қуриш бўйича умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик янги лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида келишувларга эришилди.

(Давоми 2-бетда)

БУГУНГИ СОНДА:



**ЎЗБЕКISTON
РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

2



**Ўзаро ҳамкорлик
спорт ривожига
ҳисса қўшади**

3



**Шамоллар
шаҳри Қўқон –
Хон ўрдаси
пештоқидаги
битиклар**

4

Истиқболли лойиҳалар ижроси

Президентимиз 2017 йил 28 март куни Навоий вилоятига ташрифи чоғида Кармана туманида жойлашган «Навоий ИЭС» АЖда иккинчи йирик лойиҳа – 450 мегаватт қувватли буғ-газ қурилмаси барпо этилишига старт берилган эди.

2019 йил бошида ушбу лойиҳанинг газ турбина қурилмасида синов-созлаш ишлари якунланиб, тармоққа уланган бўлса, комбинациялашган циклда буғ турбинаси билан бирга йил якунида тўлиқ ишга туширилди.

Давлатимиз раҳбари 2019 йил 28 декабрь куни вилоятга навбатдаги ташрифи чоғида станцияда амалга оширилган ишлар билан танишди. Мутасаддиларга келгусида ҳар бирининг қуввати 650 мегаваттдан иборат яна иккита янги буғ-газ қурилмаси барпо этиш топшириғи берилди. Айни пайтда ушбу топшириқ асосида амалий ишлар бошлаб юборилган.

Суратларда: «Навоий ИЭС» АЖнинг 450 мегаватт қувватли иккинчи буғ-газ қурилмасига фотосаҳҳат.

Сирож АСЛОНОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



Давлат қурилиш назоратининг янги тартиби жорий этилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 5 февралда қабул қилинган «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги 4586-сонли қарорига асосан, 1 апрелдан бошлаб қурилиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш объектлари учун хавф-хатарлар тоифалари ва объектларнинг функционал мақсадларидан келиб чиққан ҳолда давлат қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартиби жорий этилади.

Батафсил 2-саҳифада.

- Долгий срок службы**
Гарантия от производителя на композитную арматуру – более 80 лет.
- Невысокая цена**
При равнозначной замене, использование композитной арматуры дешевле в 2 раза.
- Меньший вес**
Композитная арматура легче равнозначной по диаметру металлической арматуры в 9 раз.
- Удобство работы с материалом**
Для монтажа композитной арматуры не нужен сварочный аппарат и другие дополнительные инструменты.

- Удобство покупки**
Возможность покупки необходимого метража для выполнения строительных работ.
- Прочность при растяжении**
Композитная арматура превосходит металлическую по данному показателю в 2-3 раза в зависимости от марки.
- Устойчивость к щелочи**
Устойчива к щелочной среде бетона.
- Удобство при транспортировке**
10 кг такой арматуры помещается даже в багажник легкового автомобиля.

STEKLOPLASTIK
РАЗРАБОТКА И ПРОИЗВОДСТВО

93 330 20 78 98 273 33 73
steklomp@mail.ru www.stekloplastik.uz
Самаркандская область, Самаркандский р-н, п. Анджигани.

ХАР ҚАЙСИ ДАВЛАТ, ХАР ҚАЙСИ МИЛЛАТ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ, ЮКСАК МАЪНАВИЯТИ БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Учрашувда Ўзбекистон билан Туркиянинг вазирлик ва компаниялари ўртасида алоқаларни янада ривожлантириш, ўзаро махсулот етказиб бериш, хизмат кўрсатишни кенгайтириш, клиникалар ва олий ўқув юрталари ташкил этиш бўйича аниқ лойиҳалар муҳокама қилинди. Президентимиз бу режаларни маъқуллаб, мутасаддиларга тез фурсатларда амалий ишларга ўтиш, бюрократик тўсиқларни ўзлари ҳаётга татқиқ этиш бўйича топшириқлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев Анқара шаҳрида Туркия Республикаси Президентини девони Халқ кутубхонасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Туркия раҳбари Режеп Таййип Эрдоган ташаббуси билан бунёд этилган ушбу мажмуа Президент қароргоҳидан ташқари турли давлат муассасалари, конгресс-хол, маданият маркази, масжид ҳам Халқ кутубхонасидан ташкил топган. 4 миллион босма наشر ва 120 миллиондан зиёд электрон файлдан иборат фондга эга кутубхона хизмат даражаси бўйича дунёдаги энг улканларидан биридир. Ушбу маънавий бойлик маскани Президент қароргоҳи – Жумҳур башканлиги саройи ёнида қурилгани ҳам унинг аҳамиятини кўрсатади.

Кутубхона архитектураси, шунингдек, бутун мажмуа лойиҳаси турк муҳандиси Шафик Бирке томонидан миллий меъморлик ва замонавий услубларни уйғунлаштирган ҳолда ишланган. Лойиҳани яратишда бир қанча ривожланган давлатлар зиё масканлари, АҚШдаги Президент кутубхонаси, Буюк Британия, Франция миллий кутубхоналари тажрибалари ўрганилган.

Кутубхона қурилиши 2015 йили бошланган. Умумий майдони 125 минг квадрат метрдан иборат бинонинг асосий қисми 11 қават бўлиб, марказий катта гумбаз ва фойе, ўқиш ва кўп тармоқли заллар, қадимий қўлёзма адабиётларни реставрация қилиш лабораторияси, архив мажмуаси, кўрғазма май-

донлари, болалар учун аудио ва видео кўриш хоналари, нашрларни сақлаш фондлари, кафелар, ресторандардан ташкил топган.

Ушбу маърифат маскани энг замонавий техник имкониятларга эга бўлиб, янги форматдаги кутубхона хизматларини ўзида мужассам этган.

Очилиш маросимида бутун дунёдан икки мингга яқин меҳмон – олимлар, ёзувчилар, таълим ва маданият намояндлари, давлат ва жамоат арбоблари қатнашди. Шавкат Мирзиёев Туркия Президентини томонидан тақдиф этилган олий даражадаги ягона меҳмон бўлди.

Бунда ҳам ўзига хос чуқур маъно бор. Давлатимиз раҳбарининг китобга меҳри, китобхонлик тарғиботига эътибори бўлакча. Маърифат, таълим, ёшлар тарбиясига оид халқаро ташаббуслари ҳам барчага маълум. Жорий йил Ўзбекистонда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили, деб эълон қилингани ҳам илмга эътиборнинг яна бир далолати.

Маросимда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари шундай муҳим ва шуқудли воқеага тақдиф учун миннатдорлик билдириб, қардош турк халқини ушбу илм-маърифат маскани билан муборакбод этди.

– Дунёдаги ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат биринчи навбатда ўзининг интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир. Бундай энгилмас куч манбаи эса, аввало, инсоният тафаккурининг буюк кашфиёти – китоб ва кутубхоналарда, – деди Президентимиз.

Ўзбек ва турк халқларининг илдизи бир, маънавияти муштарак. Имом Бухорий, Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Жалолiddин Румий, Юнус Эмро, Алишер Навоий мёриси халқларимизнинг миллий юксалишига катта ҳисса қўшган. Қозизода Румий Самарқандда мударрислик қилган. Али Қушчи ҳаётининг сўнгги йилларини Истанбулда ўтказган. Абдурауф Фитрат, Муҳаммадшариф Сўфизода, Саид Аҳрорий каби кўплаб жадид болаларимиз Туркияда таҳсил олган.

Бугунги кунда Истанбулда Абу Райхон Беруний номидаги университет бор. Туркия китоб фондларида Алишер Навоий асарларининг 100 дан ортқ кўлёзмалари сақланиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари юртимизда замонавий мактаблар, илмий-маърифий марказлар ташкил этилаётганини таъкидлади.

Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, ҳадис, калом, ақйид, тасаввуф, фикҳ мактаблари очилган. Тошкент шаҳрида кўп асрлик маърифат хазинасини намоён этадиган, фундаментал тадқиқотлар олиб бориладиган Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилмоқда.

Бу йил улғ алломалар Абдухалиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудларига бағишланган тадбирлар ўтказилди. Маъмуҳўжа Бехбудий туғилганининг 145 йиллик санаси нишонланади. Шунингдек, жорий йилда Бухоро шаҳри «Ислом маданияти пойтахти», Хива шаҳри «Туркий дунё маданияти пойтахти» деб эълон қилингани муносабати билан бир қатор халқаро анжуманлар ташкил этилиши режалаштирилган.

Президентимиз туркиялик олимлар, адабиётшунос ва диншуносларни ушбу маданий-маърифий тадбирларга тақдиф этди. Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд ноёб қўлёзма асарлар сақланаётгани, уларнинг аксарияти ўз тадқиқотчиларини кутаётганини таъкидлади.

Туркия Президенти ушбу қувончли айёмда Ўзбекистон Президентини рафиқаси билан бирга иштирок этаётгани учун ташаккур изхор этди.

Ўзбекистон биз учун маданий тасаввуримизни шакллантирган, олимларни етиштирган, илм, ирфон ва маънавий дунёимизни таъминлаган ҳаётий манбаларимиздан энг муҳимидир, – деди Режеп Таййип Эрдоган. – Илм муҳити асрлар давомида Тошкент билан Анқара, Самарқанд билан Конё, Бухоро билан Бурса, Хива билан Эдирнега боғлаб, ўзаро боиттандир. Бу кун Халқ

кутубхонасини Жаноби Олийлари билан биргаликда очиб, муштарак маданиятимиз ҳақида бутун дунёга муҳим бир ишора бермоқдамиз.

Шавкат Мирзиёев дунёда ўта ноёб бўлган «Усмон Муҳафиз»нинг хаттотларимиз томонидан кўчирилган нусхаси, Жалолiddин Румийнинг машҳур «Маснавий» асари ҳамда Абу Бакр ар-Розийнинг «Касалликлар тарихи» асари қўлёзмаларининг факсимиле нусхалари, «Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари» номли китоб-альбом, Юнус Эмро шеърларининг ўзбек тилига таржимаси жамланган «Ўлмас кўнгул» деб номланган китобларни кутубхонага тўхфа қилди.

Шунингдек, Туркия Республикаси Президентини девони Халқ кутубхонасига 350 дан зиёд турли мавзудаги китоблар тақдим этилди.

Давлат раҳбарлари рафиқалари ҳамроҳлигида Туркия Республикаси Президентини девони Халқ кутубхонаси фаолияти билан танишди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва рафиқаси маъмур муҳолати қонунининг биринчи фахрий меҳмонлари бўлишди.

Ноёб китоблар кўрғазмаси намойиш этилди. Туркия Президентини давлатимиз раҳбарига ноёб китоблардан бирини совға қилди. Давлат раҳбарлари биргаликда Ўзбекистондан келтирилган китоблар кўрғазмаси билан ҳам танишдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президентини девони Халқ кутубхонасига ташрифи якунланди. Олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия мулоқотининг янги форматига асос солган ушбу таъриф мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим истиқболларини белгилаб берди. Ўтказилган учрашув ҳамда музокаралар, имзоланган ҳужжатлар, эришилган келишувлар икки давлат муносабатлари ва қардош халқлар дўстлигини ҳар томонлама мустақамлашга хизмат қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлат қурилиш назоратининг янги тартиби жорий этилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури лойиҳасида назарда тутилётган қурилиш индустриясини диверсификация қилиш, бюртмачи ва давлат назорати органлари фаолиятини тартибга солиш ва тизим шаффофлигини таъминлаш орқали қурилиш соҳасини модернизациялаш, жадвал ва инновацион ривожлантиришнинг самарали механизмларини яратиш чора-тадбирларидан кўланган пировард мақсад ҳам Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш» (Doing Business 2020) рейтингидеги 2020 йил якуни бўйича барча йўналишларда Ўзбекистоннинг ўрнини тубдан яхшилаш, нуфузини оширишга қаратилган.

Бунинг учун барча соҳаларда, жумладан қурилиш тизимида ҳам назоратни кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бирон-бир давлатга сармоа киритиш истагида бўлган инвестор, энг аввало, ўша давлатдаги инвестицион иқлимнинг барқарорлигига, яратиб берилган шарт-шароитлар, имкониятлар ва албатта ҳуқуқий қафолатларга қизиқади.

Шулардан келиб чиқиб, жорий этилаётган қурилиш назоратининг такомиллашган янги тартиби соҳани янада ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Жумладан, Қурилиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қўйидагиларни назарда тутувчи Объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича маъмурий регламентни тасдиқлаш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиши белгиланган, хусусан:

Объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилиш, объектларда давлат қурилиш назоратини амалга ошириш тартиби ва даврийлигига қўйилган талабларни талабларни уларнинг хавф-хатарлар тоифаси ва функциялар мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгилаш;

қурилиш якунланганидан сўнг ҳудудий инспекциялар томонидан объектнинг қурилиш соҳасига оид қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини инструментал техник текширувдан ўтказишни жорий қилган ҳолда, хавф-хатар тоифаси паст ва яққа тартибдаги уй-жой қурилиш объектлари учун лойиҳа ҳужжатлари экспертизаси, муаллифлик назорати ва давлат қурилиш назоратини амалга ошириш бўйича мажбурий талабларни бекор қилиш;

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва ҳудудий инспекциялар инспекторларига, шунингдек, хавф-хатар тоифаси юқори бўлган объектларда техник ва муаллифлик назоратини амалга оширувчи шахсларга қўйиладиган малакавий талаблар ва уларнинг жавобгарлигини кучайтириш;

2020 йил давомида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида давлат қурилиш назоратини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, электрон ҳужжат алмашинувини босқичма-босқич жорий этиш.

Қарор билан инспекция ва ҳудудий инспекцияларга давлат қурилиш назорат

тини амалга ошириш доирасида бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш, лойиҳалаштириш ва қурилиш соҳасида фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар ва руксат берувчи ҳужжатларни тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш масалаларини ҳал қилиш юзасидан тегишли органлар ва ташкилотларга тақдимномалар юбориш ҳуқуқи берилгани тизимдаги ислохотлар янги босқичга кўтарилаётганидан далолат бермоқда.

– Таъкидлаш жоизки, қарор билан инспекция ходимлари бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилиги, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлар кўлланилган ҳолатларни аниқлаганда, бундай қурилиш материаллари ва буюмлар ишлаб чиқариш, сотиш ва қўллашни тўхтатиб туриш ҳақида тегишли орган ва ташкилотларга тақдимномалар юбориши белгиланган, – дейди Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бошлигининг ўринбосари Алишер Турапов. – Бу эса, ўз навбатида, келгусида халқимиз учун барпо этилаётган турар жойлар, ижтимоий-иқтисодий объектларнинг нечоғлик пишиқ ва мустақам қилиб қурилишига бевосита таъсир ўтказиши, шубҳасиз.

Қарорга кўра, шунингдек, инспекция тузилмасида Комплаенс хизмати ташкил қилиниши, ҳудудий инспекциялар тузилмасига комплаенс-назорат бўйича мутахассис лавозимни киритилиши белгиланган.

Комплаенс ўзи нима? Комплаенс тизими ўзида юқори даражада касбий ва ахлоқий қондалар ижросини таъминлаш, қонунчиликка ва ички тартиб қоидаларига риоя этилмасликка оид хатарларни камайтириш ҳамда жиддий моддий зарар етказиши бартараф этиш ва мавқеи йўқотилишини бартараф этиш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатлари ва ички идоравий ҳужжатлари бузилишига йўл қўймаслик бўйича профилактик чора-тадбирлар ва олдини олувчи ҳаракатлар мажмуини назарда тутати.

Ушбу тизимнинг афзаллиги шундаки, бу коррупцияга бўлган мойиллигини пайсантиради, ходимлар томонидан коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар хавфи, шахсий манфаати ёки бойиш учун ташкилотнинг моддий ресурсларидан фойдаланиш натижасида ташкилот обрўсига ва иқтисодида зарар етказиш каби хавфларни бартараф этишга мўлжалланган дастур ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётимизни, хусусан, қурилиш соҳасини янада жадал юксалтириш, шу орқали халқимиз фаровонлигини ошириш, мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш йўлида барчамиз бирлашшимиз, бир ёқадан бош чиқаришимиз, ҳамжиҳат ва ҳамфикр бўлишимиз, бу борада амалга оширилаётган давлат сиёсатини нафақат қўллаб-қувватлашимиз, балки унда фаол иштирок этишимизни бугунги даврнинг ўзи тақозо этаётганини унутмаслигимиз шарт ва зарур.

Дилфуза ҲАБИБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖТИМОЙ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИНИ ҚУРИШ, РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ (ТЕНДЕР) ЎТКАЗИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 10 январдаги ПҚ-4565-сон қарорига мувофиқ қурилиш соҳасида танлов (тендер)ларни ягона ёндашув асосида ўтказишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПҚ-4565-сон қарори билан 2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) тасдиқлангани маълумот учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Дастурга киритилган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари бўйича 2020 йил учун таъмирлаш тарихида тегишлича 1 ва 2-иловаларга мувофиқ намунавий танлов ва тендер ҳужжатлари асосида танловни (тендерни) ташкил этиш ҳамда ўтказиш тўғрисидаги тақлифга розилик берилсин.
2. Белгилансинки: а) объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари бўйича намунавий танлов ва тендер ҳужжатлари асосида танловни (тендерни) ташкил этиш ва ўтказиш фақат 2020 йилда қурилиш, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирлашни назарда тутилган объектларга нисбатан амал қилади; б) «Давлат харидлари тўғрисидаги Ўзбекис-

тон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ;

лойиҳа ташаббускори давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида танлов (тендер) ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлов (тендер) ҳужжатлари тўлиқ жойлаштирилиши учун масъулдир;

танлов (тендер) иштирокчиси тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун жавоб беради.

Бунда, истисно тариқасида, 2020 йил учун тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари асосида танлов (тендер) ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказмасдан, мазкур қарор билан тасдиқланаётган танловни (тендерни) ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича намунавий ҳужжатлар талаблари доирасида тайёрлашга ва тасдиқлашга руксат берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йилги таъмирлаш тарихида ўтказиладиган танловлар (тендерлар) якунлари асосида 2021 йил 1 январдан бошлаб танловни (тендерни) ташкил этиш ва ўтказиш учун талаб этиладиган намунавий ҳужжатларни назарда тутувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

4. Лойиҳа ташаббускорлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг ҳудудий танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказларини ва капитал қурилишда товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш учун танлов (тендер) ҳужжатларини тайёрлаш бўйича лицензияга эга бўлган ташкилотларни жалб қилган ҳолда, Дастурда назарда тутилган объектлар

бўйича танловлар (тендерлар) ўтказилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги 2021 йилда қурилиш, реконструкция қилиниши ва капитал таъмирланиши назарда тутилган ижтимоий, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси объектларининг лойиҳа-қидирув ишларини 2020 йил 1 ярим йиллигида бюртмачиларнинг ҳисоб-китоблари асосида белгиланган тартибда молиялаштирилиши таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ушбу қарор билан тасдиқланган танловларни (тендерларни) ташкил қилиш ҳамда ўтказиш бўйича намунавий ҳужжатлар асосида қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан тақдим этилган танлов (тендер) талаборининг соф тушуми, иш ҳақи жағмармаси ва ходимларнинг ўртача сони тўғрисидаги маълумотларни ҳаққонийлигини ўрганган ҳолда тасдиқланишини таъминласин.

7. Маъмур қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж. А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б. А. Ходжаев ҳамда қурилиш вазири Б. И. Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ
Тошкент ш, 2020 йил 18 февраль №91

Назоратда тартиб таъминланади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилиш назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори биз, соҳа мутахассислари олдида долзарб вазифаларни қўйиш билан бирга, зиммага катта масъулият юклатиш шубҳасиз. Бошқача айтганда, эндиликда у ёки бу иншоотнинг тамал тоши қўйилишидан тортиб, сўнгги пардозлаш, муҳандислик хизматлари якунлангунча инспекция ходимлари назорат олиб борадилар.

Тўғри, илгари ҳам фаолиятимизнинг асосий мазмуни қурилишдаги хато-камчиликларни аниқлаш, уларни ўз вақтида бартараф этиш, соҳани ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, замон талабларига мослаштиришдан иборат бўлган. Лекин иш жараёнида айрим тўсиқ ва ёндашувга ҳалақат берадиган муаммолар бор эдики, бу кенг ҳаракатланмиша салбий таъсир кўрсатган. Келгусида қурилиш назоратини рақамлаштириш, аниқса муҳим аҳамият касб этади. Яъни, ишда ошоралик таъминланади, соҳадаги коррупциянинг олди олинади, жараён шаффофлашади. Қолаверса, ортиқча сарсонгарчилик ва қозғообозликка барҳам берилади. Шу ўринда бир фактни келтираман. 2019 йилда вилоятда шаҳарсозлик соҳа-

сида қурилишга руксат берувчи ҳужжатлар тўлиқ расмийлаштирилмасдан, бинокорлик норма ва қоидалари талаблар бузилган ҳолда амалга оширилаётган бир қатор объектлар аниқланган. Ушбу ишлар бўйича тегишли тартибда хулосалар тайёрланиб, ноқонуний қурилишларни бартараф этиш учун ҳоқимликлар ва тегишли органларга тақдимномалар киритилган. Аммо уларнинг қурилиш турли сабаблар билан ижро этилмаган. Эндиликда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун катта имкониятлар яратилгани айни муҳимдир.

Тоҳир МУРОДОВ,
Самарқанд вилояти
Қурилиш соҳасида назорат ҳудудий инспекцияси етакчи мутахассиси.

Ўзаро ҳамкорлик спорт ривожига ҳисса қўшади

2019 йилнинг март ойида пойтахтимизда «Нито Агера» кўп тармоқли муз саройининг тантанали очилиш маросимида Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ислохотларда соғлом ва баркамол ёш авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилаётганини таъкидлаган эди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимизда спортнинг қишки турини ривожлантириш ва бунга малакали мураббийларни ўзбекистонга жалб этиб, уларга шарт-шароитларни яратиш мақсадида уй-жай билан таъминлаш тақдирини илгари сурилган. Қуни кеча бўлиб ўтган тадбирда ана шундай мураббийлар, ўз номларини муз устидаги хоккей спорт турининг тарих зарварларига олтин ҳарфлар билан битган Александр Якушев, Валерий Каменский, Алексей Жамнов, Виталий Прохоровларга янги уй-жайларнинг калитлари тантанали равишда топширилди.

– Ўртаимнинг барча ҳудудларида, ҳатто олис туманларда замонавий ва оммабоп спорт инфратузилмаси яратилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сони охири бормоқда. Кейинги икки йилда ўзбекистон спортчилари халқаро мусобақаларда мингдан зиёд, шу жумладан, 400 дан ортиқ олтин медалларни қўлга киритишди, – деди Ўзбекистон хоккей федерацияси бош котиби Шукрулло Каримов тантанали маросимда. – Бугунги кунда спортнинг бокс, дзюдо, эркин кураш, бадий гимнастика, шахмат ва бошқа турлари бўйича ўзбек мактаблари бутун дунёга маълум ва машҳур. Мамлакатимизда нуфузли халқаро турнирлар, хусусан, жаҳон ва минтақа чемпионатларини қабул қилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан 2030 йилги ёзги Осиё ўйинларини Ўзбекистонда ўтказиш ташаббуси илгари сурилган. Ўртаимда қишки спортни ривожлантириш бўйича бошланган ишлар ўз натижаларини бера болади. Ўтган йилги тўртта хоккей клуби ташкил этилди. Жорий йил февралда хоккей бўйича биринчи чемпионатга старт берилди. Яқинда Россиянинг Красноярск шаҳрида

бўлиб ўтган қишки Универсиадада мамлакатимиз спортчилари илк бор иштирок этишди.

Ўзбекистонда хоккейни ривожлантириш мақсадида қаратилган эзгу ишлар давом этмоқда. Қатор халқаро миқёсда ўтказилаётган мусобақаларда ўзбекистонлик ёшларнинг фаол иштирок этаётгани ғоятда қувонарли ҳол. Мухим янгилардан бири бугунги кунда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидида «Қишки спорт тури» кафедраси ташкил этилиб, бу ерда малакали мутахассислар ва ҳакамлар тайёрланмоқда. Хорижий мутахассисларга шарт-шароитларни яратиш орқали мамлакатимизда спортнинг хоккей турини ривожлантириш мақсад қилинган. Чунки, хусусан Россияда ушбу спорт тури тарқалган. Ана шу мақсадда мураббийларга уй-жайларнинг топширилиши уларнинг келгусидаги ишларида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

– «Нито Агера» мажмуасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этганимиз менда катта таассурот қолдирган, – дейди икки қарра Олимпия чемпиони, кўп қарра жаҳон чемпиони Александр Якушев. – Эндиликда албатта Ўзбекистонга келиб хоккейнинг сир-асрорларини ёшларга ўргатишга кўмак бераман. Ўзбекистон Республикаси Президентининг бизга кўрсатган бу ғамхўрлиги ўзига ғоятда миннатдоримиз. Ана шу шароитларга жавобан биз ҳам бор куч, билимимизни ёш хоккейчиларга сарф этиб, Ўзбекистонда ушбу қишки спорт турини янада оммалаштиришга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

– «Нито Агера» юқори тоифали спортчиларни тайёрлаш, йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш, энг муҳими, ёшларни спортнинг қишки турларига ҳам кенг жалб этишда муҳим омили бўлади, – дейди Олимпия чемпиони,



Ўзаро ҳамкорлик спорт ривожига ҳисса қўшади. Валерий Каменский, Александр Якушев, Алексей Жамнов, Виталий Прохоров ва бошқалар билан муз саройининг очилиш маросимида.

Биламизки, хоккей дунёда кенг тарқалган спорт турларидан бири. Бугун Ўзбекистонда спортнинг ушбу турига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Қисқа фурсатда мазкур спорт турини юқас даражада ривожлантириш, бу борда улкан ютуқларга эришган Россия хоккей мактаби тажрибасидан унумли фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Стратегик ҳамкорликни йўлга қўйган бу икки мамлакатда икки мамлакат спортчилари ўртасида беллашувлар ташкил этиш мақсадлари мужассам экани барчамизни қувонтиради.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Хоккей федерацияси мутасаддилари, Тошкент шаҳар хокимлиги вакиллари, таниқли спортчилар, кенг жамоатчилик ва ОАВ ходимлари иштирок этиб, машҳур россиялик спортчиларнинг бугунги қувончларига шерик бўлдилар.

Наргиза МИРЎҚУБОВА, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Мўъжиза яратаётган қурувчилар

Яқин орада самарқандликлар ўз гўшаларида мўъжизага айланадиган энг кўркем, энг муҳташам нодир бино билан фахрланишса, ажаб эмас.

«Қаюмовстройинвест» МЧЖ қурувчилари шу кунларда давлат хизматлари агентлиги учун мўлжалланган мазкур қошонани фойдаланишга топшириш учун меҳнат қилаётдилар. Давлат-шерикчилик асосида барпо этилаётган объект баландлиги, бежиримлиги замонавий меъмориликнинг сўнгги анъаналарини мужассамлаштиргани билан ҳам барчада ҳавас ўйотмоқда.

– Яхши от кейин қопади – деган нақлга амал қилиб фаолият юритяпти, – дейди қурилиш бош таъминотчиси Олим Ибрагимов. – Чунки қатор виллоятлар, туманларда бундай иморатлар аллақачон қуриб битказилиб, аҳолига хизмат кўрсатяпти. Биз эса энди охириги – 12 қаватга пилта босиб, том ёпығимиз. Лекин пастдаги хоналар, фасадларда пардозлаш юмушлари авжида. Лойиҳага мувофиқ, ҳар бир қават мукамал кўриниш касб этиб, уларда хизмат кўрсатиш жойлари билан биргаликда супермаркет, ҳордиқ масканлари, одамлар, болалар овунадиган

марказлар, меҳмонхона, кино-театр, тамаддиҳона каби турли қўшимча қулайликларни мужассам этувчи комплекс яратяпти, десам муболаға бўлмас. Насиб этса, бино катталиги, аҳолининг барча талабларига жавоб берадиган, кенг имкониятлар яратилган ягона қошонга айланади, деган умиддаман. Аслида мудатнинг озроқ чўзилишига сабаб ҳам шунда.

Дарҳақиқат, объектда бўлган киши бу ердагина меҳнат симфонияси янграётгани устидан чиқади. 80 дан зиёд бинокор устайлар, чилангару буюқчилар, пардозчи рассомлар кўл-қўлига тегмай ишлашяпти. Бинода етти та замонавий лифт, тўртта эскалатор ўрнатилмоқда. Туркия, Россия, Хитой, Корея, Туркменистондан келтирилган жижвалар Европа услубида жойлаштириляпти. Ҳуллас, сўнгги юмушлар ниҳоятда дид билан бажариляётганига гувоҳ бўласиз.

Ҳамза ШУКУРОВ, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 августдаги 685-сонли «Нефть-газ тармоғи ташкилотларининг активларини янада самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан «Худудга Сурхондарё» МЧЖга тегишли Ангор тумани Хўжанқо маҳалласида жойлашган, умумий 2 500 квадрат метр ер майдонида жойлашган чорвачилик ва ёрдмачи хўжалик бинолари тасдиқланган кўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 416 938 308 (тўрт юз олти миллион тўққиз юз ўттиз саккиз миң уч юз саккиз) сўм.

Аукцион савдосига 2020 йил 9 март кунини соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Талабгорлардан аризалар мазкур хабарнома эълон қилинган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Мазкур кўчмас мулклар 2020 йил 9 март кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2020 йил 24 март, 8, 23 апрель, 8, 25 май кунини соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати савдо белгиланган санадан 1 (бир) иш кунини олдин, соат 18.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун ариза, закатлат келишуви, закатлат пули тўлангани

тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома тақдим этилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 (йигирма) иш кунини ичига сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловни амалга ошириш шакли ва мuddатлари сотувчи томонидан олди-сотди шартномаси тузиш вақтида белгиланади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатлат келишуви асосан объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини савдо кунига қадар «КМСХ» МЧЖнинг Сурхондарё вилояти филиалининг ХАБ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги кўйилдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0049 2060 9027 МФО 01063 СТИР 207 122 519.

Манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, «Баркамол авлод» кўчаси, 19-уй.

Телефон: (76) 223-15-82.

Расмий сайти: www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган. RR-0001 рақамли лицензия.

«Насаф риэлт сервис» МЧЖ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2020 йил 24 март кунини соат 10.00 дан бошлаб Қарши шаҳар Амир Темур кўчаси, 74-уйда жойлашган «Насаф риэлт сервис» МЧЖ биносида бошланғич баҳоси охириги бориши тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар кўйилмоқда:

1. «Микрокредитбанк» АТБ Янги Нишон филиалига қарашли Нишон тумани, «Юксалиш» МФЙ, Тинчлик қишлоғида жойлашган, умумий майдони – 848,76 квадрат метр, қурилиш майдони – 324,74 квадрат метр бўлган маъмурий бино. **Бошланғич баҳоси** – 676 715 725 сўм.

2. «Микрокредитбанк» АТБ Муборак филиалига қарашли Муборак тумани, «Тон» МФЙ, 4-митти туманда жойлашган, умумий майдони – 2 000,73 квадрат метр, қурилиш майдони – 548 квадрат метр бўлган Муборак филиали биноси. **Бошланғич баҳоси** – 2 064 007 000 сўм.

Аукцион савдосига қатнашиш учун бюртманомалар эълон чиққан санадан бошлаб

2020 йил 20 март соат 18.00 гача ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача «Насаф риэлт сервис» МЧЖ биносида қабул қилинади.

Савдо ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 3 (уч) календарь кунини ичига сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш ва 30 (ўттиз) календарь кунини ичига тўловларини амалга ошириш мажбуриятини олади.

Аукцион савдосига қатнашиш истагини билдирган жисмоний ва ҳуқуқий шахслар закатлат келишуви тузилганидан кейин бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдорда закатлат пулини «Насаф риэлт сервис» МЧЖнинг АИКБ «Ипак йўли» Қарши филиалидаги кўйилдаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 2020 8000 3003 8650 9001 МФО 01119 СТИР 303 037 805.

Шунингдек, қўйилган ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

– ҳисоб рақамига закатлат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат;
– Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – фуқаролик паспорти, СТИР нусхаси;
– юридик шахслар – устав ва гувоҳнома нусхаслари.

Ушбу кунда белгиланган аукцион савдоси ўтмай қолган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йил 6 ва 22 апрель кунлари ўтказилади.

Такрорий савдоларга бюртманомалар савдо санасидан бир кун олдин, соат 18.00 гача қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Қарши шаҳри, Амир Темур кўчаси, 74-уй.

Телефон: (91) 222-37-15.

Электрон почта: Shuhrat682009@mail.ru

Веб-сайт: nasaf-ndvlijmost.zn.uz

Хизматлар лицензияланган. RR-0204 рақамли лицензия.

«Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

«Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2018 йил якуни бўйича умумий йиғилиши 2020 йил 5 март кунини ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 14.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, «Нишон» Қўйида жойлашган «Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлисхона залыда ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 12.30 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.nishonpaxta.uz

Кун тартибидagi масалалар:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибининг тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2018 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўйилган чора-тадбирлар тўғрисидаги жамият Бош директорининг ҳисоботини эшитиш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
5. Жамият ижроия органи раҳбари Ш. А. Эралов билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ қарорни маъқуллаш.
6. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг мuddатини узайтиришни кўриб чиқиш.
7. Жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг ҳулосаларини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2018 йиллик ҳисоботи ва 2019 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2018 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси ҳулосасини эшитиш.
10. Жамиятнинг 2018 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
11. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
12. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

13. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

14. 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувни, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувни ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.

15. Жамиятнинг эълон қилинган акциялари энг кўп миқдорини белгилаш.

16. Жамият уставини янги тахрирда тасдиқлаш.

17. Жамиятнинг янги тахрирдаги «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги ва «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги низомиларини тасдиқлаш.

18. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.

19. Жамиятда 2018 йил якунлари бўйича

ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

20. Жамият томонидан «Барака пахта текс» МЧЖга киритилган ва киритиладиган таъсис улушларини тасдиқлаш.

21. 2018 йилда 20 000,0 миң сўмлик мақсадли равишда Ҳукумат дастурлари асосида ҳомийлик ва бегараз ёрдамлар амалга оширилган (рўйхат илова қилинади).

22. Қонунчиликда белгиланган даъво мuddати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан, дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 мартдаги «Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 230-сон қарори ижросини таъминлаш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри, 2020 йил 1 февраль ҳолатига

ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (3 иш кунини олдин) 2020 йил 28 февраль ҳолатига шакллантирилиди.

Акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан «Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қўйилган манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, «Нишон» Қўйи, «Нишон пахта тозалаш» АЖ.

Электрон почта: nishon-ptoj@mail.ru

Тел.: (75) 512-33-07.

Мамлакатимизнинг сўлим гўшаларидан бири – Фаргона водийси ўзининг бой маданий ва археологик ёдгорликлари билан ажралиб турувчи қадимий масканлардан бирidir.

Тарихий маълумотларга кўра, Қўқон шаҳрида 1863 ҳамда 1873 йилларда, қарийиб 10 йил мобайнида меъморчилик ва бунёдкорлик ишлари жадаллик билан амалга оширилган. Ҳар бир гишт, ҳар бир бино ва ундаги ҳар қайси меъморчилик аъёнлари ҳақида қадимий ҳақимизнинг юксак санъаткорона салоҳиятидан сўз очади. Ва табиийки, ўша даврларда илм-фан, санъат, маданият, меъморчилик аъёнлари жуда ҳам раванқ топангидан қалбнингиз фахру ифтихорга тўлади.

кетгани ўзига хос ансамбли ташкил этади. У ердаги экспонатлар ичида қадимий қўлэмма асар – Қуръони Карим китоби эътиборга молик. Музей илмий ходими Давронбек Эркиновнинг маълум қилишича, музейдаги осори атиқалар қаторида ўндан ортиқ ғоятда катта ғилдиракли арава намоишга қўйилган. Ғилдираги билан машҳур бўлган ва ўша пайтларда Ароба деб аталган ўзига хос транспорт воситаси боболаримизнинг зукколиги, донишмандлиги намунаси ҳисобланади. Чунки, у пайтларда бен-

ган «Муҳаммад олам сирчи уста Муҳаммад Камол ўғли. 1287 сана ҳижрий» ёзуви бу ердаги нақш ишларини бажарган уста ҳақида маълумот беради. Қўқон тарихи ва маданияти давлат музейида эраимиздан аввалги Полеолит ва Бронза даврларига хос қадимий буюмларга ҳам алоҳида ўрин ажратилган. Музей фақатгина қадимий бинодангина иборат эмас, балки мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келтирилган тарихий ашёлар археологик қазиш жараёнидаги топилмалар билан тўлдириб борилди. Музей ходимларининг маълум қилишича, Наманган вилояти Чодак қишлоғида катта археологик қазиш ишлари олиб борилган бўлиб, у ерда топилган жуда қадимий осори атиқалар ҳамда уларнинг кичирайтирилган нусхалари музей экспонатларида акс эттирилган.

да қавлаб кўрилган. Натижада бу қувурлар тўғри ишламайдиган ҳолатга келиб қолган. Шунинг учун ҳам сарой ичидagi биналарнинг пойдевор қисмида шўрлан-иш ҳолати сезилади.

Музейга қўйилган Наманган вилояти-нинг Поп туманидаги Мунчоқтепа қишлоғидан топилган қадимий мунчоқлар эса аждодларимизнинг ғоятда моҳир заргар бўлганликларини кўрсатади. Қўқондаги саройнинг ўймакор эшигини ишлаган уста Мақсумхўжа Ғодиён мадрасасидаги катта эшик ва Тошкентдаги Шайхонтоҳур эшигини ҳам ясаган экан. Ўрданинг беэак ишларида халқ меъморчилик санъатининг бадиий қулоччилик нақшошлик ёғоч-ғанч ўймакорлиги ва бошқа кўп турларидан фойдаланилган. Моҳирлик билан терилган турли ранг ва ҳар хил шаклдаги кошнлар уйғунлиги



Шамоллар шаҳри Қўқон — Хон ўрдаси пештоқидаги битиклар

Шу ўринда тарихимизга оид баъзи маълумотларни келтирмоқчимиз. Фаргона водийсидаги кўна шаҳарлардан бири Қўқонда водийдаги бошқа шаҳарларга нисбатан меъморий ёдгорликлар кўп сақланиб қолган. Дағмаи Шахон, Жоме масжиди, Камолқози Норбўтабий, Миён Ҳазрат, Дастурхончи мадрасалари, Маданироҳ даҳмаси, Хон саройи ва яна бошқа кўплаб ёдгорликлар шаҳарнинг тарихий қиёфасини белгилаб, унинг ҳуснига хусн бағишлаб турибди.

Шаҳар марказидаги тепаликда ўрнашган улкан сарой – Қўқон ўрдаси XIX аср қадимий ёдгорликлар орасида ташқи кўриниши ва меъморий тарихи жиҳатидан энг кўрамадир. Сарой қурилишида фарғоналик усталар билан бирга Бухоро, Самарқанд ва Ўрта Осиёдаги бошқа шаҳарларнинг қурувчи усталари фаол қатнашганлар. Ўша даврларда қурилиш ишларини тезлаштириш мақсадида хон халқини ҳашарга жалб этади. Маълумотларга кўра, қурилиш ишларида 16 минг аҳоли, 80 нафар уста ишлаган. 1 000 дан ортиқ арава ҳамда замбилдан фойдаланилган. Сарой қурилиши замонасининг кўзга кўринган мезори Мир Убайдулла Мухандис лойиҳаси асосида амалга оширилган. У бош меъмор сифатида сарой қурилишига раҳбарлик қилган. Бинодаги беэак-кошин ишларини риштонлик кулол Уста Убайдулла бажарган.

Қўқон ўрдаси биносининг олд тарафидagi жанубий қисмига ўрнатилган лаъҳачада «Нақшлар билан беэаганнинг санъати гўё Беҳод санъатиде» деган сўзлар битилган. Бу уста Убайдуллонинг меҳнатига ишора. Қўқон ўрдасининг ғоятда чиройли ва қадимий беэаклари, ўтмиш меъморчилик услубидаги маҳобатидан ҳайратга тушасан киши. Ушбу меъморий ёдгорликка Қўқон тарихи ва маданияти давлат музейининг туташиб

зин билан ҳаракатланадиган автомобиллар ҳали яратилмаганди. Айтишларича, Қўқон ароба, ҳатто қайиқ вазифасини ҳам бажарган.

Хон ўрдаси ичида жойлашган музейдаги осори атиқалар орасида маҳобатли дарвоза ҳам эътиборни тортади. У ёғочдан тайёрланган оддий дарвоза бўлибгина қолмай, ёғоч ўймакорлиги ва рангли нақшлар билан ишланган чинакам санъат намунаси бўлиб, буюқ туркий ўзбекларнинг қадимда ниҳоятда чуқур дунёқарашига, улкан билими ва селлоҳиятга эга эканини кўрсатиб туради.

Тарихдан бизга маълумки, қадимда Қалъа шаклида девор билан ўраб олинган Қўқоннинг 12 та дарвозаси бўлган. Мутахассисларнинг айтишича, бу дарвоза ана шулардан биридир. Риштонлик уста Абдулланнинг отаси ҳам кулол сифатида доврўғ таратган эди. Унинг фарзанди Абдулла эса ота йўлидан борди ва касбини пухта эгаллади. Кулол ясаган ажойиб қулоччилик буюмларини айрими фарғоналиклар шу кунларга қадар авайлаб-асраб келмоқдалар. Машҳур уста Абдулла Ўрда ва саройнинг сиртини рангли кошнлар билан беэаган экан. Айни пайтда музейда қадимий қулоччилик дастгоҳи ҳам сақланипти.

Қўқондаги Ўрданинг кошнкорлик ишларида яна бир риштонлик уста Жамол ва уста Жамиллар ҳам қатнашган. Тошкент вилояти Пскент туманида яшаган уста Зокир эса Арканнинг асосий пештоқини кошнлаш вазифасини бажарган. Бу ердаги музейда бир қатор европалик рассомларнинг асарлари галереяси ҳам ташкил этилган. Саройдаги хоналар ичини турли нақш ҳамда ганч ўймакорлиги билан беэада уста Ҳакимбул, уста Сўфи Йўлдош, уста Марамбул ўз маҳоратини кўрсатишган. Ўрдадаги дарвозахона тепаликда битил-

Қўқон тарихи ва маданияти давлат музейида «Буюк ипак йўли» билан боғлиқ қадимий ашёларга ҳам ўрин берилган. Айниқса, «Буюк ипак йўли» харитаси диққатга сазовор. Мазкур экспонат қадимда ота-боболаримиз савдо-сотиқ ишлари билан шўғулланганларидан дарак беради. Маълумки, қадимги Буюк ипак йўли Ўзбекистоннинг Қўқон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч каби шаҳарлари бўлиб ўтган. Шу сабаб айтиш мумкинки, мазкур харита улар учун йўлчи олдун вазифасини ўтаган.

Маълумотларга кўра, Қўқон ўрдасининг умумий сатҳи 8 гектардан ортиқ текис майдон бўлиб, унинг теварақ-атрофи мустақкам қалъа девори билан ўралган. Шарқий томонига пештоқли дарвозахона ишланган. Девор ичкарида боғ, узумзор, ҳовуз, сарбозлар машқ ўтказадиган майдон, аслаҳахона, аскархона ва бошқа биналар бўлган. Девор ташқарисида чуқур хандақ қазилиб, тарихда у ер сув билан тўлдирилган. 100 дан ортиқ хонадон бир неча ҳовлидан ташкил топган сарой хизмат вазифасига кўра, асосан 3 қисмга, яъни Маққама, Шоҳнишиш ва ҳарамга бўлинади. Маққама ва Шоҳнишиш қисмлари бир қаватли, ҳарам эса икки қават бўлиб қурилган. Афсуски, бугунги кунга келиб 8 гектардан ортиқ майдонни эгаллаган Хон ўрдасидан фақат битта пештоқли бино қолган. Бошқа қисмлар эса боқинчилар томонидан бузиб юборилган. Мақсад туркий ўзбекларнинг буюқ тарихи, улўғ аждодларидан қадимий маданиятидан узиб қўйишга қаратилган эди. Саройнинг ичидagi қадимий ўзига хос қана-лизиация вазифасини ўтаган ва ёғингарчилик сувлари олиб чиқиб кетиладиган ер остига ётқизилган сопол қувурлар ҳам боқинчилар томонидан бойлик яширилмаганикин, деган гумон ости-

ҳамда нафислиги Фарғона қулоччилик санъати қадимда юксак даражага етганидан далолат беради. Музей директори Манзураҳон Мансуровнинг маълум қилишича, Ўрдада 114 та хона 7 та ҳовли бўлган бўлса, ҳозирги кунга келиб 19 та хона ва 1,5 та ҳовли сақланиб қолган. Бугунги кунда Қўқон ўрдасига туташ ушбу музейни янада асраб-авайлаш борасида ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда водийнинг Тепа кўрғон ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўша даврларда цивилизация шиддат билан ривожланган, 2000 йиллик тарихий ашёлар топилгани эса Қўқон шаҳри чиндан ҳам 2000 йиллик тарихга эга эканини билдиради. Бинодаги иссиқ ёки совуқ ҳавони алмаштириб доимо янгилиди турини таъминлашда аждодларимиз қандай меъморчилик усулларидан фойдаланганлиги барчамиз учун қизиқ. Саройнинг ички хоналаридаги нақшкор ганчлар шундай жойлаштирилганки, орадан 150 йил вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз нам тортамаган. Ранглари ҳам асло бузилмаган. Бино ички тарафидан нағмарчилик оқибатида терлаб ҳам қолмаган. Бу аждодларимизнинг бунёдкорлик бобида даҳолигидан дарак беради.

Қўқон шамоллар шаҳри дейдилар. Бир йилимида 365 кун бўлса, Қўқонда йилнинг 240 кунги шамол билан ўтади. Қў-шамол, қанд-шаҳар маъноларини англатувчи тарихий шаҳарда қадимдан қад кўтарган ушбу меъморий ёдгорликлар шонли ўтмишимизнинг беқеъи санъати, маданияти, меъморчилиги ва шаҳарсозлигидан дарак бериши бора-борида халқимизнинг бебаҳо маданий мероси ҳисобланади.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» муҳбири.

Нодир манбаа

Жаҳоннинг турли ўлкаларида яратилган ёзма манбаларда шарқона давлат бошқаруви ҳақидаги қимматли тажриба ўз аксини топган. Давлат ва ҳуқуқ тарихи ҳамда назариясига оид «Ал-аҳком ас-султонийя вал-валаят ад-динийя» («Султонлик ҳукмлари ва диний бошқарув қоидалари») асари ана шундай муҳим манбалар қаторига қиради.

Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Мовардий (973-1058) қаламига мансуб ушбу нодир асар қўлэммаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тасарруфидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фондига сақлаб келинмоқда.

Асарда баён этилган X-XI асрлардаги мусулмон давлати бошқарув тизими, ундаги мансаблар поғонаси, ер-сув масалаларини тартибга солиш, ўрмон ва тоғ-кон ҳужаликларини ташкил этиш, турли даражадаги мансабдорларнинг сиёсий-ҳуқуқий мақоми-

га оид қимматли маълумотлар ўз аҳамиятини йўқотмагани туфайли ушбу манбани ўрганиш ҳанузгача давом этмоқда.

Тарихчи олим Зиёвуддин Жўраевнинг фикрича, салжўқийлар ва газнавийлар сулоласи билан бир қаторда, асардан темирчи ва бобурий ҳукмдорлар, Бухоро, Қўқон ва Хива хонлари ҳам фойдалангани ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш учун унинг чуқурлаштирилган тадқиқотини амалга оширишни талаб этади.

Илм-фан ривожига салмоқли ҳисса қўшган мутафаккир ва давлат арбоби, «Байтул ҳикма»нинг раиси бўлган мутакаллим ва фақиҳ Абулҳасан Мовардийнинг «Ал-аҳком ас-султонийя» асари Аббосий ҳукмдорлар Қодир Биллоҳ ва Қоим Биамриллоҳ илтимосига кўра, салтанат тузиш қонун-қоидаларини аниқ бир тартибга келтириш мақсадида ёзилган.

«Султонлик ҳукмлари» китобининг манбашунослик тадқиқотини амалга ошириш, мамлакатимиз ва чет эл кутубхоналарида сақланаётган қўлэмалари, тарихий ва замонавий нашрлари, Ғарб ва Шарқ тилларида қилинган таржумалари ҳамда унга бағишланган жиддий тадқиқотларни илмий муомалага қилитиш манбашуносликнинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Ў.А.

Ўтмиш билан боғловчи кўнрик



Музейлар – юртимиз тарихи, халқимизнинг асрлар оша яшаб келаётган қадриятларини ўзида мулжасам этган осори атиқалар, ноёб буюмлар билан ўзлигимизни англашга, ўтмишдан ибрат олиб яшашга ундайди.

Бугун ана шу масканларга аҳоли, айниқса, ёшлар қай даражада ташир буюрмоқда? Музейларда сайёҳлар учун қандай шароит ва қулайликлар яратилган? Ана шу саволларга Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи фаолияти мисолида жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи капитал реконструкция қилиниб, атрофи ободонлаштирилди, инфратузилмаси тўбдан янгиланди. Бу ишлар учун 500 миллион сўм маблағ сарфланди.

Айни пайтда 110 мингдан зиёд экспонат сақланаётган мазкур музейнинг «Жомеъ меъморий обидаси», «Бобур уй-музейи», «Чўлпон ёдгорлик музейи», «Қалъа ёдгорлик мажмуаси» бўлимлари ҳамда Пахтаобод туманидаги «Ҳабибий ёдгорлик музейи» филиали фаолият кўрсатмоқда.

«Жомеъ меъморий обидаси» бўлимида жойлашган адабиёт ва санъат галереясида тарихимизга оид 20 мингдан зиёд ҳужжат, қўлэмма ва турли даврларда чоп этилган китоблар, шунингдек, Андижон адабий муҳити ва халқ амалий санъати оид ноёб асарлар, буюмлар ўрин олган. XIV асрга оид Бобур уй-музейи (Арк ичи) меъморий обидасида Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар даврига, «Қалъа» меъморий ёдгорлигига эса XIX аср ва XX аср бошларидаги Андижон тарихига, Абдулхамид Чўлпон ҳамда Зокиржон Ҳабибий ёдгорлик музейларида ўзбек адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган ижодкорлар ҳаёти ва фаолиятига оид экспонатлар сақланмоқда.

Музейимизни бундан икки йил аввал йилга тахминан 40-42 минг киши томоша қилган бўлса, 2019 йилда 70 мингдан ортиқ одам ташир буюрди, – дейди Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи директори ўринбосари Роҳатой Муҳаммадова Ў.А. муҳбири Фахриддин Убайдуллаев билан суҳбатда. – Жумладан, 250 нафардан зиёд хорижий сайёҳ ҳам музей экспонатлари билан танишди.

Музейдаги ҳар бир экспонат ёритиш чироғи билан таъминланди. Хорижий сайёҳлар учун сувенирлар сотиладиган дўкон ташкил этилди. Интернетдан эркин фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида музей ҳудудида Wi-Fi интернет зонаси яратилди. Бу каби қулайликлар музейга ташир буюрувчилар оқими ортишига хизмат қилмоқда.

Аҳоли, айниқса, ёшларнинг музейга қизиқиши ва таширфини ошириш мақсадида Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар академияси, «Хунарман» уюшмаси вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда кўплаб тасвирий ва халқ амалий санъати асарлари кўргазмалари ўтказилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшларнинг музейга мунтазам келиб туришини таъминлаш бўйича ҳам муаян ишлар олиб борилди. Хусусан, оқори синфларда адабиёт, тасвирий санъат ҳамда тарих фанлари дарслари бир йилда бир марта

бевосита музейнинг тегишли бўлимларида ўтказилиши йўлга қўйилди.

Бир неча йилдирки, музей маъмурияти ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд археология институти олимлари ҳамкорлигида қўшма илмий экспедиция иш олиб бормоқда. Қўрғонтепа туманидаги «Кўштепа» археологик ёдгорлигидаги қазиш ҳамда илмий-тадқиқот ишлари натижасида юртимизнинг қадим туишига оид 5 мингга яқин сопол буюм топилди. Улар музей фондига топширилиб, «Кўшма замин дурдоналари» кўргазмаси доирасида кенг жамоатчиликка намоиш этилди. Ушбу буюмлар яқин кунлар ичида Ўзбекистон тарихи давлат музейида ташкил этиладиган кўргазмага олиб борилиши кўзда тутилган.

Музейимизда турли даврларга оид 2 мингга яқин қўлэмма сақланмоқда, – дейди Қўлэмма ва тошбосма китобларни сақлаш сектори мудири Ғанижон Қосимов. – Мутахассислар уларнинг илмий-тарихий аҳамиятини ўрганмоқда. Музей экспонатларининг электрон каталогини яратиш бўйича ҳам ишлар олиб боришмоқда.

Музей жамоаси томонидан ўтган йили халқаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, Қирғизистон Республикаси Ўш областидаги «Сулаймон-тоо» миллий-тарихий археологик музей комплекси билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ҳамкорлик доирасида Андижонда «Сулаймон-тоо» – халқаро мерос объекти» номи кўчма кўргазма ташкил этилди. Шунингдек, Ўш шаҳрида «Фаргона водийсидаги умумий қадриятларни сақлаган музейлар ҳамкорлиги» мавзусида семинар ўтказилди. Бу икки қўшни халқлар ўртасидаги маданий-тарихий ҳамкорлик ришталарни мустаҳкамлашга, сайёҳлар оқимининг кўпайишига ёрдам бермоқда.

Халқаро ҳамкорлик қўламини кенгайтириш мақсадида Венгрия Республикаси Халқ музейи, Қозғистон Республикаси Миллий музейи ҳамда Хитой Республикасининг Синангъ шимоли-ғарбий университети вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Учрашувлар доирасидаги мулоқотларда келгусида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш юзасидан таклифлар билдирилди.

Наврўз байрами арафасида Ўш шаҳрида «Андижоннинг туризм салоҳияти» мавзусида, апрель-май ойларида Рус миллий-маданий маркази, Россия Федерациясининг Оренбург тарихий-ўлкашунослик музейи билан ҳамкорликда Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг «Андижон қалъаси» ёдгорлик мажмуасида Оренбург тарихий-ўлкашунослик музейининг кўчма кўргазмасини ўтказиш режалаштирилган.

Мухтасар айтганда, Андижоннинг қадим тарихидан сўзловчи ушбу музейда сақланаётган ноёб экспонатлар, осори атиқалар билан танишиш юртдошларимиз қалбидан тарихимиз, улўғ аждодларимиз, она Ватанимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни янада оширади.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати:
Ботир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Саҳифаловчи
Мусахҳиҳ

Дилшод Жалолов
Акжал Махкамов
Райҳон Таниқуллова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МҲК муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирилик,
«Ўзасноватқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК, «ЎзашҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МҲК,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахририят манзил:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-05-15 (котибият),
71-244-15-13 (тахририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-40-68 (реклама ва бошқа бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.uz

Вилоят муҳбирлари телефон рақамлари:

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Самарқанд вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Бюроғи – Г-253.
2074 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлэмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюқ Турон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Тулямов.
Ў.А. ақчиси – 02.50. Топширилди – 03.50.